O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№3 (756) 2024 йил 16 январь, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь куни тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини жорий қилиш бўйича тақдимот билан танишди.**

Тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши. Бизнес учун шароитлар изчил яхшиланиб бормоқда. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида тадбиркорларга янада қулайликлар яратилади. Бу 5 миллион аҳоли бандлигини таъминлашда жуда муҳим ўрин тутади. Ушбу мақсадлар учун 83 триллион сўм ва 275 миллион доллар кредит ҳамда субсидиялар йўналтирилиши кўзда тутилган.

Рейтинг жорий этилиши тадбиркорлар фаолияти учун ўзига хос рағбат бўлади. Бунинг аҳамияти ҳақида давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида айтилган эди. Шундан сўнг мазкур рейтингнинг мезонлари ва тартиб-тамойиллари ишлаб чиқилди.

Унга кўра, тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизоми, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 та тоифага ажратилади. Бу солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлади.

Рейтинги юқори тадбиркорлар учун барча солиқ текширувлари бекор бўлади, қўшилган қиймат солиғи суммаси бир кунда ва бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўлов уч кунда қайтариб берилади. Товарларни импорт қилишда ва сотишда қўшилган қиймат солиғини божхона ва солиқ органларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти яратилади. Аукционда олинган давлат активлари ва ер участкалари қийматини бўлиб тўлаш муддати 3 йилдан 5 йилгача узайтирилади. Бунда камида 15 фоиз миқдорида дастлабки тўловни бирйўла амалга оширганда, қолган суммага йиллик фоизлар ҳисобланмайди.

Бундай рейтинг шунинг учун ҳам муҳимки, энди тадбиркорлар фаолиятига солиқчилар эмас, электрон тизим баҳо беради. Келгусида субсидия, имтиёз ва преференциялар рейтингдан келиб чиқиб берилади. Кўрсаткичи паст бўлганлар интизомли тадбиркорлар сафига кириш ва кўпроқ имкониятга эга бўлиш учун ҳаракат қилади.

Яна бир томони, бу рейтинг тадбиркорларга ўз ҳамкорлари тўғрисида ишончли маълумот берувчи ҳимоя тизимига айланади. Яъни, шубҳали шартномалар ва инсофсиз рақобатга чек қўйилиб, "яширин" иқтисодиёт қисқаради.

Давлатимиз раҳбари бу тизимни пухта ишлаб чиқиб, адолатли ва самарали йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

– Тадбиркорларнинг таклифлари асосида бизнес учун шароитларни тобора яхшилаб боряпмиз. Яқинда қабул қилинган қарорлар билан 16 та лицензия ва 34 турдаги ҳисоботни бекор қилдик. Тадбиркорлар синфи жамиятда етакчи кучга айланмоқда, ёшлар уларга қараб интилмоқда. Энди ушбу рейтинг орқали тадбиркорлар ўртасида қонунларга итоат қилиш, интизомли ва ҳаракатчан бўлишни рағбатлантириш зарур. Буни жорий қилиш ва самарадорлигини таъминлашда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат кенгашининг ўрни катта бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдимотда "Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги" платформаси 1 мартга қадар ишга туширилиши белгилаб олинди. Савдо-саноат палатаси томонидан жойларда учрашувлар ўтказилиб, рейтинг имкониятларини тушунтириш ишлари олиб борилади. Субсидия, имтиёз ва преференциялар ажратишнинг шаффоф тизими йўлга қўйилади.

Рейтинги паст тадбиркорлар билан манзилли ишлаб, фаолиятини жонлантириш ва тиклашга ёрдам бериш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

# ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 15 январь куни геология соҳасида қилинган ишлар ва келгуси режаларга оид тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодиётини ресурслар билан таъминлашда геология стратегик аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда бу соҳага йилига 1 триллион сўмдан маблағ ажратилиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида 31 минг квадрат километр янги ҳудудлар ўрганилди.

Хусусий сектор учун яратилган имкониятлар эвазига норуда конларга инвесторлар жалб қилинди. Бугунги кунда соҳада 1 миллиард 700 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Лекин соҳада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Конлар ва уларни ўзлаштириш кўламини кенгайтириш мумкин.

Тақдимотда бу борадаги истиқболли лойиҳалар, хусусан, жорий йилга мўлжалланган режалар тўғрисида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари уни тинглаб, яқин ва узоқ истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Бу соҳада узоқни кўзлаш ва замондан илгари юриш муҳимлиги таъкидланди.

Шу боис маррани катта олиб, геология-қидирув ишларини кенгайтириш, аниқланган захираларни самарали ўзлаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Соҳага хорижий технологиялар ва инвестициялар жалб қилишни давом эттириш, бу орқали геологик қидирувлар ва қазиб олиш натижадорлигини ошириш вазифалари қўйилди.

Аҳоли, ижтимоий соҳа ва саноат тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 22 фоизга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Илғор хорижий тажриба асосида, бойитиш чиқиндиларини қайта ишлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

# ФАРОВОНЛИКДА АКС ЭТАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Кейинги йилларда мамлакатимизда "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқимиз фаровонлигини ошириш, муносиб турмуш шароитини яратиш, аҳолини рози қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасидаги манзилли ишлар ўз натижасини бермоқда. Бу борада қабул қилинган қатор қарорлар асосида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллаларни обод қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасалари учун ёшларга қўшимча квоталар ажратиш каби ишлар бажарилмоқда.

Хусусан, Нукус шаҳридаги "Гоне қала" маҳалла фуқаролар йиғинида фойдаланишга топширилган 10 та кўп қаватли турар жой биноси ҳам ана шундай чора-тадбирларнинг амалий намунаси бўлди.

Ҳар бири 42 хонадондан иборат 10 та кўп қаватли турар жой биносининг қурилиши учун тижорат банклари томонидан 96,2 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Ушбу турар жойлардан 20 та хонадон кўзи ожиз ва имконияти чекланган фуқароларга топширилди.

Амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлар юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, одамларнинг ўз орзу-ниятларига мос равишда ҳаёт кечиришига замин яратмоқда.



**Суратда:** Нукус шаҳридаги "Гоне қала" маҳалла фуқаролар йиғинида. **Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА ГРАНТИНИНГ ЯКУНИЙ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ



**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг Маданий мерос объектларини асраш факультети қошида ташкил этилган "ERAMCA" халқаро таълим гранти лойиҳаси доирасида бир гуруҳ меҳмонлар университетга ташриф буюришди.**

Бир нечта давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида "Марказий Осиёдаги маданий мерос объектларига экологик хавфларни баҳолаш ва камайтириш" (Environmental Risk Assessment and Mitigation on cultural heritage assets in Central Asia "ERAMCA") халқаро лойиҳа грантининг якуний тақдимоти бўлиб ўтди. Архитектура ва Маданий мерос объектларини асраш факультетларида бўлиб ўтган тақдимот маросимида грантнинг бош координатори Фулвио Ринаудо раҳбарлигидаги мутахассислар, Тожикистондан ташриф буюрган ҳамкор олий таълим муассасаси вакиллари, халқаро грант учун масъул бўлган университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, магистрант ва докторантлар иштирок этишди.

Тақдимотда Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, бош координатор маслаҳатчиси Аброр Гадаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПҚ–416-сонли қарорига асосан университетда ташкил қилинган марказлар ҳақида гапирди. Шу жумладан, Маданий мерос объектларини асраш факультети қошида "ERAMCA" маркази ташкил қилинганлиги, унинг мақсад ва вазифалари, олиб борилаётган илмий лойиҳалар нақадар долзарблиги ҳамда халқаро грантнинг мазмун-моҳияти билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, халқаро грант натижасида факультетда ташкил қилинган Маданий мерос объектларини асраш ва фойдаланиш магистратура мутахассислиги талабалари ўзларининг илмий мавзуларининг бажарилиши, илмий ишларининг мазмуни, долзарблиги, илмий янгиликлари ва амалий натижалари ҳақида маълумот бердилар. Тақдимот жараёнида олий таълим муассасаларидаги халқаро грант учун масъул мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, халқаро экспертлар томонидан билдирилган таклифларга маҳаллий мутахассислар ҳам ўз фикрларини билдиришди.

Ўзаро қизғин кечган муҳокамалар сўнггида бош координатор Фулвио Ринаудо раҳбарлигидаги мутахассислар томонидан халқаро грантнинг ташкилий ва услубий томондан режа асосида бажарилганлиги ва самарадорлиги юксак баҳоланиб, университет жамоасига миннатдорлик билдирилди. Учрашувдан сўнг факультетларда олиб борилаётган дарс машғулотларида иштирок этган халқаро мутахассислар амалий ишлар билан яқиндан танишиб, талаба-ёшларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# "MADE IN UZBEKISTAN" савдо уйлари очилади

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов маълум қилди.**

Таъкидланишича, ўтган йили экспорт қилинган маҳсулотларнинг 27 фоизи металл буюмлар, 10 фоизи керамика маҳсулотлари, 14 фоизи ПВХ профил, труба ва пластмасса маҳсулотлари, 8 фоизи қуруқ қурилиш қоришмалари каби маҳсулотлар улушига тўғри келди. Экспорт қилинган қурилиш материаллари турлари 55 дан 65 га ошган бўлса, экспорт географияси 43 давлатдан 53 тага ошди. Давлатлар кесимида таҳлил қилинганда, экспорт қилинган маҳсулотларнинг 34,5 фоизи Қозоғистон ҳиссасига, 17,4 фоизи Қирғизистонга, 12,6 фоизи Тожикистонга, 12,3 фоизи Россия Федерациясига, 4,2 фоизи Туркманистонга, 3,2 фоизи Литвага ва 2,3 фоизи Хитой давлатига тўғри келган.

Шу билан бирга, Таиланд, Бельгия, Фиджи, Исроил, Испания, Франция, Хорватия, Ироқ, Бразилия ва бошқа шу каби давлатлар бозорларининг ўзлаштирилиши ҳисобига маҳсулотлар экспорт географияси ҳам кенгайтирилди. Эътиборлиси, ўтган йилнинг ўзида қўшимча 10 дан ортиқ янги маҳсулот ҳам экспорт қилинди. Шунингдек, экспорт кўламини кенгайтириш, янги ҳамкорларни топиш мақсадида маҳаллий тадбиркорлар ва уюшма мутахассислари Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Туркия, Озарбайжон, Хитой, Эрон каби давлатларда ташкил этилган халқаро кўргазма ҳамда форумларда иштирок этишмоқда.

– Яна бир маълумот, 2023 йилда Озарбайжон давлатида "made in Uzbekistan" савдо уйи очилди, – деди уюшма ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов. – Жорий йилда эса Қозоғистон ва Тожикистон давлатларида ҳам шундай савдо масканларини барпо этиш режалаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аксарият қурилиш материаллари бўйича тармоқда янги қувватларнинг яратилиши ва модернизация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳамда янги корхоналарнинг экспортга жалб қилиниши ҳисобига баъзи турдаги қурилиш материаллари экспортини бир неча бароборга оширишга муваффақ бўлдик. Мисол учун, 2022 йилга нисбатан керамик плиткалар 2,1 бароборга, гулқоғоз 3,3 баробар, табиий пардозбоп тошлар 2,5 баробар, металл буюмлар 3,4 баробар кўп экспорт қилинди.

Айтиш керакки, қурилиш материалларининг асосий экспорт бозорлари бу қўшни республикалар ҳисобланади. Хусусан, давлатлар кесимида оладиган бўлсак, Қозоғистонга 193 млн, Россияга 110 млн, Қирғизистонга 93 млн, Тожикистонга 86 млн, Литвага 29 млн, Латвияга 16 млн, Туркманистонга 15 млн, Кореяга 11 млн, Афғонистонга 2 млн, Озарбайжонга 7 млн АҚШ долларилик қурилиш материаллари экспорти амалга оширилган.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№3 (756) 2024 йил 16 январь

# Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" мезони асосида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари Жиззах вилоятининг бир қатор туманларида ҳам кенг миқёсда олиб борилди.**

Хусусан, йил сўнггида Пахтакор туманининг "Олмазор" МФЙда ҳам барча белгиланган бунёдкорлик ишлари якунига етказилди. Бундан қарийб 45 йил аввал ташкил этилган "Олмазор" МФЙда бугунги кунда 1 225 та хонадон, 1 376 оила мавжуд бўлиб, уларда 5 379 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ободлик ва фаровонлик мезонларига мувофиқ бошланган ишга ҳудуд учун масъул – 2-сектор вилоят прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, бунёдкорлик ишлари режа асосида амалга оширилди. Энг аввало, 5 135 нафар фуқаронинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди, 1 076 нафар фуқарога бепул дори-дармон воситалари тарқатилди, қарийб 80 нафарига туман ва вилоят шифохоналарида даволаниш учун йўлланма берилди.

– Ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари натижасида маҳалламиз ҳудудидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари жорий таъмирланди, – деди меҳнат фахрийси Лапас Абдувоҳидов. – Маҳалладаги 5 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми таъмирланиб, қўшимча тандирхона, ҳожатхона, ёшлар учун "STREET WORKOUT" ҳамда волейбол майдони бунёд этилди. Атрофга мевали ва манзарали кўчатлар экилди. 2 км масофада велосипед ва саломатлик йўлаклари ташкил этилди.

Бундан ташқари, марказий кўчанинг 3 км қисмига асфальт ва бетон ётқизилди. 1074 та хонадонда электр ва табиий газ таъминоти яхшиланиб, мавжуд тармоқларнинг барчаси кўрикдан ўтказилди. 1200 дан зиёд хонадон ҳовлисида тандирхона, ошхона, хўжалик ва санитар қурилмалари ораста қилиниб, рўзғор учун зарур маҳсулотларни етиштириш шароити яратилди. 1 000 дан ортиқ хонадоннинг томорқасига тўқсонбости экинлари экилиши таъминланди.

Йил якунида Жиззах шаҳрида ҳам бир нечта объектларда қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Жиззах шаҳрининг Амир Темур маҳалласида янгидан қурилган икки қаватли мактабгача таълим ташкилоти ўрнида яқин-яқингача ўтган асрнинг ўрталарида қурилган ва фойдаланишга яроқсиз эски боғча биноси бўлар эди. Инвестиция дастури асосида ажратилган 6 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига қад ростлаган янги бинода бугун 180 ўринли 41-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти бунёд бўлди.

Дарвоқе, мактабгача таълимда болалар қамрови кўрсаткичи Жиззах вилоятида 85 фоизни ташкил қилмоқда. Мақсад – нафақат қамров даражасини ошириш, балки таълим сифатини ҳам оширишдир. Жиззах шаҳрида қад ростлаган яна бир таълим маскани – 990 ўринли 30-умумий ўрта таълим мактабидир. Инвестиция дастури асосида 21 миллиард сўм маблағ эвазига қурилган 5 қаватли ушбу мактабда синфхоналар, лаборатория ва технология хоналари, ошхона, спорт майдончалари тўлиқ замонавий таъмирланган бўлиб, барча жиҳозларга эга. Яна бир жиҳати, мактабда IT академия фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, нафақат ушбу таълим даргоҳи, балки соҳага қизиқувчи исталган ёшларга дастурлашга оид билимлар берилади.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳрининг Олмазор маҳалласи ҳудудида ҳам яна бир замонавий маскан, 1680 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди. Инвестиция дастури асосида 28 миллиард 300 миллион сўмдан ошиқроқ маблағ эвазига қад ростлаган мазкур 31-умумий ўрта таълим мактаби бугун ҳудуд аҳолисининг фарзандларини умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш имконига эга. Ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароит яратилган.

Қувонарлиси, ушбу мактаб ёнида аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида янги 6-сон оилавий поликлиника ҳам барпо этилди. Давлатимиз раҳбарининг 98-сонли қарорига асосан ажратилган 6 миллиард 700 миллион сўм маблағ эвазига қурилган 3 қаватли, замонавий шароитларга эга бино 250 ўринли бўлиб, яқин атрофдаги 4 та маҳалла аҳолисига хизмат курсатади.

Шунингдек, вилоятда транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани замон талаблари асосида барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси мазкур ишларда ўзига хос ўрин тутади. Лойиҳанинг 2-мавсумида Шароф Рашидов туманининг Қораянтоғ маҳалласи йўл сифатини яхшилаш бўйича ғолиб бўлган эди. Айни кунда ички йўлларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Дарҳақиқат, Қораянтоғ маҳалласи кўчалари қишда лой, ёзда чанг бўлиб, аҳоли учун анчайин қийинчилик туғдираётган эди. Маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг лойиҳада бирдамликда ҳаракат қилиб тўплаган овози туфайли эндиликда 2 минг 400 метр ички йўлларга асфальт ётқизилиб, бу муаммо ўз ечимини топадиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, 2023 йилда бошланган ва олиб борилган бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам давом этмоқда. Бу эса аҳолини янада фаровон яшашини таъминлаб, вилоят ҳудудларига ҳам ўзгача чирой бағишламоқда.

# Кичик саноат зонаси тадбиркорлар учун имконият

**Юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган имтиёзлардан бири – эркин иқтисодий зонада ишлаб чиқаришни ташкил этган тадбиркорга 3 йилдан 10 йилгача солиқ имтиёзлари берилмоқда.**

Импорт ўрнини босувчи харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ишбилармонлар учун бу имконият ва имтиёзлар янада кўпроқ. Бунинг учун аввало, юқори технологияга асосланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи, қўшилган қиймат яратувчи, маҳсулотнинг экспортбоплиги ва, албатта, кўпроқ иш ўринлари яратиладиган лойиҳалар танлаб олинади.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманида кичик саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари учун мўлжалланган ва дастлабки босқичда умумий майдони 1,5 гектарни ташкил этган ҳудудда биринчи ташаббускорлар қаторида 6 та лот ўз эгаларига тақсимлаб берилган.

– Маҳаллалардаги "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган оилалардан меҳнатга лаёқатли юзга яқин кишини иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлган бу зонада бизнес ташаббусларига мувофиқ, металлдан турли ўлчамдаги мих, бурама михлар, сим тўрлари, синтетик пахта-синтепон, шунингдек, тикув-трикотаж маҳсулотлари, эркаклар ва аёллар кийим-кечаги, кўрпа-ёстиқлар, аёллар сумкалари, замонавий андозадаги пишиқ пойабзаллар тайёрлаш лойиҳалари ишга туширилмоқда, – деди Бухоро кичик ҳамда ёшлар саноат зоналари бўйича ягона дирекцияси мутахассиси Шерзод Аҳмедов ЎзА мухбири Зариф Комиловга. – Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йиғилиш баёнига асосан Ғиждувон тумани, Файзулла Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил қилинган кичик саноат зонаси майдонида қурилиш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий мақсад қилинган. Саноат зонасида тадбиркорлик субъектларига тегишли кичик корхоналарнинг ишга тушиши пировардида юздан ортиқ фуқарони иш билан таъминлаш ҳамда бизнес лойиҳалари ишлаб чиқариш қувватини 14 миллиард 884 миллион сўмга етказиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Имкониятлардан кенг фойдаланаётган бизнес вакилларидан бири маҳаллий тадбиркор Камол Элмуродов бўлиб, у ташкил этган "Алп Камол файз" масъулияти чекланган жамияти томонидан тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг учун айни пайтда кичик саноат зонасидан 20 сотих ер майдони "Алп Камол файз"га ажратиб берилган ва ҳозирда бу ерда қурилиш ишлари бошланган.

– Яқин кунларда кичик саноат зонасида яна янги лойиҳаларни амалга оширамиз, – деди тадбиркор Камол Элмуродов. – Импорт ўрнини босувчи харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, имконият ва имтиёзлардан кенгроқ фойдаланамиз.

Кичик корхонада "устоз-шогирд" анъанаси асосида ҳадемай шу ҳудудга яқин Оқработ, Бойхотин, Қорабоғ, Ғишти, Зарангари, Гаждумак каби маҳаллалардан 20 нафар ёш йигит-қизни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Тадбиркор тикув цехи билан чекланиб қолмай, турли хилдаги замонавий эшикларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда.

# Замонавий лойиҳалар туман тараққиётига хизмат қиляпти

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қашқадарё вилоятининг Касби тумани ташкил қилинганидан буён биргина қишлоқ хўжалиги саноатига ихтисослашганди. Бугун тадбиркор ва ишбилармонлар давлат яратиб берган имконият ҳамда имтиёзлардан унумли фойдаланиб, замонавий лойиҳаларни амалда татбиқ этаётгани учун ҳудудда ўнлаб кўп қаватли уй-жойлар, маъмурий бинолар қад ростламоқда.**

Уларда ишлатилаётган қурилиш материаллари эса бошқа ердан эмас, асосан, шу жойдаги хомашё захираларидан тайёрланаётгани эса буюртмачиларнинг мушкулини осонлаштиряпти. Катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлагани туфайли минглаб ёшларнинг доимий бандлиги таъминланган. Муҳими, саноатнинг турли соҳаларида ишлар йўлга қўйилгани йил сайин экспорт ҳажмини ошириб, туман иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

2022 йилга келиб саноат ривожланиш ҳисобига аҳоли талабини қондириш қаторида 40,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Бу жиҳатдан якунланган йил натижалари янада қувонарли бўлиши кутиляпти. Ҳисоб-китобларга кўра, бу кўрсаткич 111,2 миллион долларни ташкил этмоқда.

Айтиш жоизки, туманда ана шундай юқори натижага эришиш сўнгги пайтда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ҳамкорликда бир нечта йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг амалга татбиқ этилгани муҳим ўрин тутяпти. Жумладан, икки йил олдин умумий қиймати 15,1 млн АҚШ долларилик 58 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилган бўлса, ўтган йил ҳисобидан 17,8 млн АҚШ долларилик 45 та лойиҳа амалда татбиқ қилинди. Бу эса иқтисодни янада бақувватлаштириб, ижтимоий соҳаларни босқичма-босқич ривожлантириш имконини бермоқда.

Бунинг натижасини туман маркази ва ҳудудларда бунёд этилган кўп квартирали турар жойлар, маҳаллалар кесимидаги шағал ётқизилиб, асфальтлаштирилган ички йўллар, тоза ичимлик суви, табиий газ ҳамда электр таъминоти яхшиланган ҳудудлар, замон талабига мослаштирилган мактаб ва шифохоналар тимсолида кўриш мумкин.

"2024 – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"ни касбиликлар катта ташаббуслар остонасида кутиб олишди. Улар бошланган хайрли ишларни янада кенгайтириш учун умумий қиймати 45,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 27 та инвестиция лойиҳасини шакллантиришни мақсад қилишган. Янги йилнинг дастлабки кунидан бу борадаги зарур ишлар бошлаб юборилган. Ана шу лойиҳалар амалиётга тўлиқ татбиқ этилса, ҳудуд ёшларидан 1 085 нафари доимий иш ўрнига эга бўлади.

# Сифатли таълим малакали мутахассисларни етиштиришда асосий омил

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хабарингиз бор, барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам туб бурилиш ясаш, уни янги босқичга олиб чиқиш амалиёти давом этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ушбу соҳага хорижлик мутахассисларни жалб қилишга ҳам эътибор қаратилди. Шу мақсадда юртимиз қурилиш-бунёдкорлик соҳасига малакали кадрлар етиштириб беришдек масъулиятли вазифани бажариб келаётган олий таълим даргоҳи – Тошкент архитектура-қурилиш университетига ҳам бир қанча чет эллик малакали, катта тажрибага эга ўқитувчилар ишга таклиф қилинди. Ушбу қизғин жараён билан яқиндан танишиш мақсадида университетнинг Муҳандислик факультети декани, профессор Йилмаз Аккая билан суҳбат уюштирдик.**



Йилмаз Аккая 1991 йилда Истанбул техника университетининг Қурилиш муҳандислиги факультетини тамомлаган. Магистратурани ҳам айнан шу университетда тугатди. Шундан сўнг, Америкада докторлик ишини ёзиш билан бирга турли лойиҳаларда ҳам иштирок этишга муваффақ бўлди. Истамбул техника университетига қайтгач, аввалига доцент ёрдамчиси, кейинчалик доцент ва профессор унвонларини олди. Илмий иш билан шуғулланиш баробарида 8 йил давомида университетнинг Халқаро таълим деканати раҳбари сифатида фаолият олиб борди. Илмий иши қурилиш материаллари мавзусида бўлгани боис, хусусан, бетон маҳсулоти бўйича ўтказган лаборатория тажрибалари ҳам кўп. Юқори перформансли бетон, тола қўшилган бетон (лиф), ташқи таъсирларга чидамли бетон, енгил бетонлар бўйича кўплаб тадқиқот ишларини олиб борган. Шундан сўнг, ректор Эржан Каҳянинг таклифига биноан ТАҚУга ишга келди.

Биз Йилмаз бейдан Ўзбекистондаги илк таассуротлари, юртимиз таълим тизими ҳақидаги фикрлари, талабалар салоҳияти ҳақида сўраганимизда қуйидагиларни баён этди:

– Ўзбекистонда ишлаш таклифидан хурсанд бўлдим. Аммо бу ерга илк келишим туфайли бошида ҳаяжон ҳам бўлди. Бироқ урф-одатларимиз, ҳаёт тарзимиз ўхшашлиги сабаб ўзимни бегона юртда деб ҳис қилмадим. Талабалар салоҳияти ҳақида гапирадиган бўлсам, қайси курсда ўқишига қараб турлича фикр билдириш мумкин. Улар билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қиляпман. Қайсидир гуруҳдаги талабалар қизиқувчан бўлса, баъзилари тортинчоқ, жиддий. Имкон қадар жамоа билан ҳам, талабалар билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатишга ҳаракат қиляпман.

Ўзбекистон ва Туркия таълим тизимидаги асосий фарқларидан бири – Истанбул техника университетида турли йўналишлар ва турли соҳаларга оид факультетлар бор ва улар анча тармоқлашган. ТАҚУ эса асосан қурилишга ихтисослаштирилган университет ҳисобланади. Бизнинг вазифамиз ТАҚУни дунё даражасидаги таълим масканига айлантиришдир. Бунинг учун, аввало, тегишли тартибдаги тизим қуриш ҳақида ўйлаяпмиз. Бу ердаги илк ишимиз ўқув юкламасини тўғри шакллантириш бўлди. Талабаларнинг вақтини унумли ўтказиш ва янги факультетлар очишга эришдик. Эътиборимни тортган жиҳатлардан яна бири ўзбекистонлик ёшларнинг тил ўрганишга лаёқати юқорилиги бўлди. Айниқса, инглиз тилини бир йилга қолмасдан яхши ўзлаштирган талабаларни кўрдим. Бу эса чет тилида ўқийдиган гуруҳлар ташкил қилиш ва хорижий рейтингларда яхши кўрсаткичга эга бўлишимизда жуда муҳим.

Суҳбатимиз давомида Йилмаз бейнинг қурилиш соҳасига қизиқиши болаликданоқ бошланганини билдик. У оила аъзолари орасида қурилиш муҳандиси бўлгани сабабли айнан шу соҳани танлаганини айтди. Туркияда қурилиш анча кенг ривожланган соҳалардан бири бўлгани боис кунда-кунора янги иморатлар барпо этилиши одатий ҳолга айланган. Бу эса ёш Йилмаз қалбида баланд бинолар ва кўприклар қуришга иштиёқ, қайноқ соҳа вакилига айланиш орзусини янада алангалатган бўлса, ажабмас?!

Йилмаз бейдан бугунги кунда университетда амалга оширилаётган ишлар неча йилда натижа беришини, ТАҚУ талабалари орасидан таниқли мутахассислар тайёрлаш учун қанча вақт кетиши ҳақида ҳам сўрадик. Суҳбатдошимиз бунинг учун навбатма-навбат ўзгаришлар қилинаётгани ҳақида таъкидлади:

– Ҳозир таълим сифат даражасини баҳолаш мезонлари устида жиддий иш олиб боряпмиз, қолаверса, дарсликларни янгилаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган. Эндиликда ТАҚУ институт мақомидан университет мақомига ўзгартирилди. Яқин келажакда яна янги факультетлар очишга ҳаракат қиляпмиз. Халқаро стандартларга кўра, қурилиш муҳандислиги, атроф-муҳит ва геоматика муҳандислиги каби бир қатор йўналишлар қўшилмоқда. Спорт ва талаба тўгараклари ташкил қилиниб, талабаларнинг университетда ўз устида ишлаши учун етарли шароитлар яратиляпти. Лабораториялар модернизация қилинмоқда. Яқин вақтда кутубхонани кенгайтиришни режалаштиряпмиз. Талабалардаги потенциал имкониятларни кўриб турибмиз, шу сабабли уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш бош мақсадимиз. Катта муҳандис ва архитектор етиштириш 4 йилда амалга ошадиган жараён эмас. Бунинг учун тартибли ишлайдиган узлуксиз тизим керак. Шу боис, олий таълимдан ташқари ва кейинги фаолият учун ҳам алоҳида бўлим ташкил қилишни режалаштирганмиз. Талабаларнинг тизимли илмга эга бўлиб, тажриба орттириши учун зарур инфратузилма ташкил қила олсак, кўзлаган мақсадимизга бир қадар яқинлашган бўламиз. Бунинг учун янги жараёнларни қабул қилишимиз лозим. Зеро, инсон қалбан ўзгаришни хоҳламаса, уни ҳеч ким ўзгартира олмайди.

### АСР ФАЛОКАТИГА САБАБ НИМА?

2023 йил бошида Туркияда содир бўлган зилзила ҳамон ёдимизда. Ушбу ҳодиса сабаб минглаб инсонлар вафот этди, қанчаси бошпанасиз қолди. Табиийки, бу ҳодиса Туркиянинг қурилиш саноатидаги обрўсига андак путур ҳам етказди.

Профессор Йилмаз Аккаянинг шу хусусидаги фикрларига ҳам қулоқ тутдик:

– Аввало, бу зилзила бошқаларидан тубдан фарқ қилди. Ҳам вертикал, ҳам ёндан ўта катта кучланиш билан ҳаракатланганига гувоҳ бўлдик. Биз бунга "Аср фалокати" деб ном бердик. Бундай ноқулай қўзғалган силкинишга камдан-кам бинолар бардош бериши мумкин. Бу зилзила тарихда мисли кўрилмаган йўқотишлар билан ёдимизда қолди. Нега йўқотишлар бу қадар катта бўлганини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Биз унинг сабабларини қидириш ва текшириш жараёнида қулаган биноларни 2000-йилдан олдин ва кейин қурилган биноларга ажратишимиз керак. Зилзиладан кейинги текширувлар шуни кўрсатдики, 2000-йилдан олдинги бинолар сифати анча паст, қурилиш соҳасида текширув ва хавфсизлик чоралари етарлича кўрилмаганлиги маълум бўлди. Одатда бинолар ҳар йили бир марта техник назоратдан ўтказилиши лозим. Аммо вайрон бўлган биноларда назорат яхши йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Қурилишда бетон жуда муҳим материал ҳисобланади. Чунки мустаҳкам фундамент ҳосил қилишда асосий восита цементдир. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бинолар сифатсизлигига лойиҳа хатолари, қурилиш мобайнидаги ва қурилиш охиридаги назоратнинг сустлиги сабаб бўлади. Мен қурилиш корхонасида ҳам, қурилиш сифатини назорат қилиш фирмасида ҳам ишлаганим туфайли ишлаб чиқилган лойиҳа ва уни амалиётда бажариш, мувофиқлаштириш анча мураккаб жараён эканини айтишим мумкин. Уни лойиҳага мувофиқлаштириш асосан, техник назорат фирмаларининг вазифаси ҳисобланади. Агар лойиҳада бирон хато юзага келса, уни жиддий назоратга олиш ва янглиш жойларини таъмирлаш ёки бузиб, қайтадан қуриш керак. Ҳар бир ишлатилаётган материал лабораторияда назоратдан ўтказилиши, синчиклаб текширилиши, тест қилиниши ва тасдиқланиши жуда муҳим.

Қурилишда ер қатлами ҳам жуда муҳим. Баъзи жойларда ернинг таг қисми юмшоқ, тупроқ жипслиги паст бўлади. Бундай ерда мос фундамент танлови ва пастки қатламни зичлаштириш (транбофка) керак. Акс ҳолда ёмон оқибатларга олиб келади. Хуллас, ҳамма омиллар бир-бирига боғлиқ. Шу боис, қурилишда имкон қадар хатога йўл қўймаслик керак.

Агар биз хоҳласак, денгиз устида шаҳар қурадиган технологик салоҳиятга эгамиз. Қурилиш саноати технологияси ва имконияти айни замонда анча илдамлаб кетди. Асосий масала, шунга мос лойиҳа яратиш, тўғри режалаштириш, сифатли назоратдир. Шу сабаб, тажрибали мутахассислар бу соҳада анча қадрли. Менимча, ҳамма соҳада ҳам шундай.

Дарҳақиқат, қурилиш масъулиятли соҳа. Ўйлаймизки, сифатли таълим ва бугунги эзгу ишлар малакатимизда ушбу соҳа учун малакали, моҳир қурувчи, архитектор ва муҳандисларни етиштириб беришда асосий омил вазифасини бажаради. Йилмаз бейга ҳам ушбу масъулиятли вазифани амалга оширишда муваффақият тилаб қоламиз.

ДАВОМИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ 2023 ЙИЛ 28 НОЯБРДАГИ 96 (749)-, 2023 ЙИЛ 15 ДЕКАБРДАГИ 98 (751)-, 2023 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАГИ 99 (752)-, 2024 ЙИЛ 9 ЯНВАРДАГИ 1 (754)- ВА 2024 ЙИЛ 2 (755)-СОНЛАРИДА.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 15 июндаги 109-сон буйруғига
ИЛОВА

# ШНҚ 2.05.03-22 "КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАР" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Резинали таянчлардаги, уларнинг силжишга қаршилигидан бўладиган реактив бўйлама кучи Sh нинг, кН (тк)даги қиймати ушбу формула билан аниқланади:

$Sh = AG \times \sigma / a$ (39)

бу ерда, $\sigma$ – таянчлардаги кўчиш, cm, да;

а – резина қатламларининг умумий қалинлиги, cm, да;

А –резина таянчининг ёки тўсиннинг битта учининг тагида қаторасига бир нечтаси жойлашганида улар барчасининг майдони, m2 (cm2);

G – бўйлама кучнинг ҳисобий қийматини аниқлашдаги миқдори, атроф-муҳитдаги ҳавонинг норматив ҳароратига боғлиқ бўладиган силжиш модули ва қўлланиладиган резина маркалари учун қуйидаги 17-жадвалдан олинади.

**17-жадвал.**

| Резина маркаси | Атрофдаги ҳавонинг норматив ҳарорати қуйидагича бўлганида, °С да резинанинг силжиш модули, МПа (kgk / cm2да), | | | |
|---|---|---|---|---|
| | +20 | -20 | -30 | -40 |
| НО-69-1 | 0,88 (9,0) | 0,96 (9,8) | 1,12 (11,4) | 1,43 (14,6) |
| ИРП-1347 | 0,55 (5,6) | 0,58 (5,9) | 0,59 (6,0) | 0,63 (6,4) |
| РСМ -3Л | 0,90 | 1,20 | 1,4 | 1,4 |

Изоҳ: силжиш модулининг оралиқ қийматлари интерполяция бўйича топилади.

Эгилувчан таянчларга ўрнатилган қўзғалувчан таянчлардаги ишқаланишдан бўладиган максимал қаршилик кучлари таъсири ўзининг эластик деформацияси оқибатида енгилмайдиган бўлган ҳолларда, таянчда қўзғалувчан таянчлар ўрнига қўзғалмайдиганлари ўрнатилади. Кўприкнинг бўйлама ўқи йўналишида оралиқ қурилмаларнинг тўсин ёки плиталарининг таянч тугунлари тагида фақат битта резина таянчини жойлаш, кўприкнинг кўндаланг ўқи йўналишида битта маркадаги резинадан тайёрланган бир нечта бир хил таянчлар жойлаш керак.

135. Қурилиш-монтаж ишларидаги ҳамда элементларни тайёрлаш ва жойига ташиб олиб боришдаги конструкцияга таъсир қиладиган қурилиш юкларини (хусусий оғирлиги, кўприк тагига жойланадиган қурилмаларнинг, кранларнинг, ишлаётган одамларнинг, асбобларнинг, майда жиҳозларнинг оғирликлари, бир томонлама распор ва ҳ. к.) лойиҳа ҳужжатларида берилганларга кўра КМК 3.01.02 талаблари ва ишни бажаришга белгиланган шароитларни ҳисобга олиб қабул қилинади. Крандан бўладиган юкламани аниқлаётганда кўтарилаётган юкламанинг ва қўзғалувчан стрелкасининг оғирлиги вазни 196кН (20тк) гача бўлганида 1,20 (0,85) га ва ундан кўп бўлганида эса 1,10 (0,95) га тенг динамик коэффициент билан қабул қилиш керак. Бу ҳолда, агарда кранда юкламанинг бўлмаслиги ҳисобланаётган конструкциянинг ишига ноқулай таъсир кўрсатадиган бўлса, кран ҳисоблашларда кўтариладиган юкламасиз ҳисобга олинади. Темир-бетон конструкция элементларини ташиб боришда бўладиган зўриқиш таъсирига ҳисоблашда элементнинг ўз оғирлигидан бўладиган юкни динамик коэффициентлари билан биргаликда олиш керак. Уларнинг қиймати автомобиль транспорти билан ташилганда 1,6 га, темир йўл билан ташилганда эса 1,3 га тенг бўлиши керак. Ташиб боришдаги динамик коэффициентлар кичик қийматларда қабул қилиниши мумкин (агарда улар тажриба асосида тасдиқланган бўлса, аммо автотранспорт орқали 1,3 дан кам эмас ва темир йўл транспорти орқали 1,15 дан кам бўлмаслиги керак).

136. Сейсмик юкламалар ШНҚ 2.01.20га мувофиқ қабул қилинади.

137. Мазкур ШНҚнинг 131-137-бандларида келтирилган бошқа вақтинчалик юкламалар ва таъсирларга, юкламаларга кўра ишончлилик коэффициентлари $\gamma f$ ни қуйидаги 18-жадвалга биноан қабул қилиш керак. Таянчлар танасини, уларни мувозанатли ҳолда осиб қўйиш услубида оралиқ қурилмаларни йиғаётганда ишлатган ҳолларда мустаҳкамликка текширганда ва шу ҳолларда оралиқ қурилмани таянчга маҳкамловчи анкерлар (тортиб қистиргичлар)ни мустаҳкамликка текшираётганда, оралиқ қурилманинг йиғилаётган консол қисмларининг (учларининг), таянчларда ҳар хил ишорали эгувчи ҳолатлар ҳосил этадиган ўз оғирликларига, йиғиладиган қисмлар (блоклар)ни тайёрлаш ва монтаж қилишнинг муайян шароитини ҳисобга оладиган, юкламага кўра ишончлилик коэффициентларини киритиш керак. Оралиқ қурилманинг темир-бетон блокларини завод технологиясида тайёрлаганда ва таянч танаси ҳамда маҳкамловчи анкерларни мустаҳкамликка текшираётганда ўз оғирлиги учун юкламага кўра ишончлилик коэффициентини қуйидаги формулаларга биноан аниқлашга рухсат этилади:

битта консоли учун $1 + 0{,}1 / \sqrt{z} \geq 1{,}038$; (40)

иккинчи консоли учун $1 + 0{,}1 / \sqrt{z} \geq 0{,}962$ (41)

бу ерда, z – ҳар қайси томондан ўрнатиладиган блоклар сони.

**18-жадвал.**

| Бошқа вақтинчалик юкламалар ва таъсирлар | Юкламага кўра ишончлилик коэффициенти $\gamma f$ |
|---|---|
| Шамолдан бўладиган юкламалар ва таъсирлар: | |
| кўприкдан фойдаланишда | 1,4 |
| кўприкни қуриш ва монтаж қилишда | 1,0 |
| Муз зарбасидан бўладиган юклама | 1,2 |
| Иқлим ҳарорати деформацияси ва таъсири | 1,2 |
| Грунтнинг совуқдан шишганидан таъсири | 1,3 |
| Қўзғалувчан таянчларда ишқаланишга қаршилик кучининг таъсири | 135-бандига асосан |
| Қурилиш юкламалари:<br>• ёрдамчи ускуналарнинг ўз оғирлиги;<br>• йиғиб қўйиладиган қурилиш материалларининг оғирлиги ва ёрдамчи иншоотлардаги сунъий равишда тўғрилашларнинг таъсири;<br>• ишлайдиган одамларнинг, асбобларнинг, майда ва жиҳозларнинг оғирлиги;<br>• кранларнинг, қозиқ оёқни қоқадиган ускуналарнинг ва<br>• транспорт воситаларининг оғирликлари;<br>• гидравлик домкратлардан ва қимирлатишда ва кўтаришда электрик лебедкалардаги бўладиган кучлар.<br><br>Оралиқ қурилма ва бошқа юкламаларни силжитгандаги ишқаланиш кучлари:<br>• салазка ва фторпластда силжитганда<br>• ғалтакда силжитганда<br>• аравачада силжитганда | <br>1,1(0,9)<br><br>1,3(0,8)<br><br>1,3(0,7)<br><br>1,1(1,0)<br><br><br><br>1,3(1,0)<br>1,1(1,0)<br>1,2(1,0) |

Изоҳ:Юкламаларнинг ноқулай биргаликдаги таъсиридан конструкция элементларида уларнинг умумий таъсирининг миқдори кўпаядиган бўлганда $\gamma f$ нинг қавс ичидаги қийматлари олинади.

Ёпиқ турдаги пиёдалар кўприги учун қор юкига f қиймати КМК2.01.07га мувофиқ олинади.

## 17-БОБ. БЕТОН ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ҲИСОБЛАШДАГИ АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

138. Кўприклар ва қувурларнинг бетон ва темир-бетон конструкцияларини лойиҳалашда ГОСТ 27751да кўзда тутилган иккита гуруҳ чегаравий ҳолатларининг юз беришидан талаб этиладиган ишончлилигини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмаларига риоя этиш зарур.

Бунинг учун тегишли материалларни белгилашлар ва кўзда тутилган конструктив талабларни бажариш билан бирга ушбу ШНҚда кўрсатилган ҳисоблашларни ўтказиш керак.

Конструкцияни бутунлай ва унинг алоҳида элементларини ҳисоблашларда мазкур ШНҚнинг 35-41-бандларида келтирилган ишларнинг мумкин бўладиган ҳар хил босқичларида юкламалар ва таъсирларнинг энг ноқулай биргаликда бўлиш ҳолларини ҳисобга олиш зарур.

Мазкур ШНҚнинг 37-бандида кўрсатилган умумий талаблар ва кўрилаётган ҳисобий схемалар қабул этилган конструктив технологик ечимларга муносиб бўлиши ҳамда иншоотни тайёрлаш, қурадиган жойга ташиб бориш ва қуриш шароитларига, уларни доимий ва вақтинчалик юкламалар билан юклаш хусусиятларига, конструкцияда зўриқишларни тартибга солиш ва олдиндан зўриқтириш тартибига лойиқ келадиган бўлиши зарур.

139. Кўприклар ва қувурлар конструкциясининг элементларини биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатига тушишга йўл қўймаслик учун ушбу қисм кўрсатмаларига мувофиқ мустаҳкамликка, устуворликка (шакллари ва ҳолатлари) ва чидамлиликка ҳисобланиши зарур. Бу ҳолда, чидамлиликка ҳисоблашларда иншоотни нормал эксплуатация қилиш босқичида ҳосил бўлиши мумкин бўладиган юкламалар ва таъсирлар инобатга олиниши керак.

Иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолати бўлмаслиги учун қуйидаги 19-жадвалда кўрсатилган ҳисоблашлар ўтказилади.

**19-жадвал.**

| Ҳисоблаш | Ишчи арматура | Конструкциянинг ишлаш босқичлари |
|---|---|---|
| Бўйлама ёриқлар пайдо бўлишига | Зўриқтирилмаган<br><br>Зўриқтирилган | Фойдаланишда барча босқичларда (нормал фойдаланишда, иншоотни қуриш, олдиндан зўриқтириш, сақлаш ва ташиб бориш) |
| Элемент бўйлама ўқига нормал ва қия ёриқлар пайдо бўлишига | Зўриқтирилган | Барча босқичларда |
| Элемент бўйлама ўқига нормал ва қия ёриқлар очилишига | Зўриқтирилмаган ва зўриқтирилган (2а ёрилишга пишиқлик талаб даражасига биноан лойиҳаланадиган, зўриқтирилган арматурали элементлардан ташқари) | Барча босқичларда |
| Элементнинг бўйлама ўқига нормал ёриқларнинг ёпилишига (қисилишга) | Зўриқтирилган | Фойдаланишда |
| Уринма кучланишларни чеклашга | Зўриқтирилмаган ва зўриқтирилган | Барча босқичларда |
| Хизматига кўра барча турдаги кўприклардаги оралиқ қурилмаларни деформацияга (эгилишга), автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларидаги ўтиш профилининг синиш бурчагига | Зўриқтирилмаган ва зўриқтирилган | Фойдаланишда |

140. Ёрилишга ва мустаҳкамликка ҳисоблашларда конструктив ва бошқа талаблар (сув четлатиш ва конструкцияларни гидроизоляцилаш) билан биргаликда темир-бетон кўприклар ва қувурларнинг занглашга пишиқлигини таъминлаши зарур ҳамда куч омиллари ва ноқулай ташқи муҳитнинг биргаликдаги таъсиридан бузилишлар бўлишига тўсқинлик қилиши керак.

Темир-бетон конструкцияларнинг элементлари бажарадиган хизматига, ишлаш шароитига ва қўлланиладиган арматурасига боғлиқ ҳолда ёриқ ҳосил бўлишининг ҳар хил эҳтимоллигини ва уларнинг очилиш энининг чегаравий ҳисобий қийматларини кўзда тутувчи ёрилишга пишиқлик бўйича тегишли даражалар талабини қаноатлантириши зарур.

141. Статик ноаниқ конструкциялар элементларининг кесимларидаги юкламалар ва таъсирлардан юз берадиган зўриқишларни, биринчи ва иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашларда бетоннинг ва арматуранинг ноэластик деформацияларини ва ёриқлар мавжудлигини ҳисобга олиб аниқлаш керак.

Бетоннинг ноэластик хоссаларини ҳисобга оладиган ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилмаган конструкцияларда ҳамда бетоннинг ноэластик хоссалари ҳисобга олинган ҳисоблашнинг оралиқ босқичлари учун элементлар кесимларидаги зўриқишларни уларнинг чизиқли эластиклигини фараз қилиб аниқлаш мумкин.

142. Конструкцияни тайёрлаш ёки монтаж қилиш жараёнида унинг ҳисобий схемаси ёки кесимнинг геометрик тавсифи ўзгарадиган бўлганида, конструкциядаги зўриқишларни, кучланишларни ва деформацияларни аввалги ўтган барча босқичлар учун йиғиб аниқлаш керак. Бунда зўриқтириладиган арматурадаги кучланишни релаксацияси туфайли вақт ўтиши билан бетоннинг ўтириши ва оқишидан бўладиган зўриқишнинг ўзгаришини ҳисобга олиш керак.

143. Зўриқтирилмаган арматурали конструкциялардаги бетон ва арматурадаги кучланишларни, бетоннинг чўзилаётган қисмининг ишлашини ҳисобга олмасдан эластик материалларни ҳисоблаш қоидалари бўйича аниқлаш керак.

144. Олдиндан зўриқтирилган конструкциялардаги элементнинг бўйлама ўқига нисбатан нормал кесимларида бетон ва арматурадаги кучланишлар кесимни туташ деб қараб эластиклик материалларни ҳисоблаш қоидалари бўйича аниқланиши керак. Очиқ каналларда жойлашадиган зўриқтириладиган арматуранинг қуйма бетони асосий конструкция бетони билан бирикмайдиган бўлганида каналда жойлашган зўриқтириладиган арматурани конструкция бетони билан бирикмаган деб инобатга олиш керак.

Олдиндан зўриқтирилган конструкциялар элементларидаги (булар ичида аралаш арматураланганлар ҳам бор) ёриқларнинг очилиш энини аниқлашда, арматурадаги кучланишни бетоннинг чўзиладиган қисмининг ишини инобатга олмасдан аниқлаш лозим. Бетон чўзиладиган қисмининг зўриқишининг тўласига арматурага бериш рухсат этилади. Келтирилган кесим тавсифини барча ҳолатларда мазкур ШНҚнинг 183-бандига биноан кесимдаги мавжуд бўлган таранглаштирилган ва оддий арматураларни инобатга олган ҳолда аниқлаш зарур.

Агар конструкция элементлари ҳар хил синфлардаги бетонлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда кесимининг умумий майдонини уларга тегишли бўлган эластик модулларини ҳисобга олиб аниқлаш керак. Арматураси бетоннинг ўзига тираб тортиладиган конструкцияларда ва унинг қисилиш босқичида очиқ ва ёпиқ каналларнинг майдонлари бетоннинг ишчи майдонига киритилмайди.

Бу турдаги конструкцияларни фойдаланиш давридаги босқичга ҳисоблашда, бетоннинг ишчи майдони таркибига ёпиқ каналларни тўлдирувчи қоришмалар кесими майдонини киритиш рухсат этилади. Очиқ каналларда қуйилган бетонни мазкур ШНҚнинг 240-бандига мувофиқ бўладиган махсус технологик тадбирлар мазкур ШНҚнинг 306-банди талабларига биноан бажариладиган ҳолда ва қуйилган бетон ичига зўриқтирилмаган арматура жойлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш мумкин. Бу ҳолда, қуйилган бетондаги ёриқнинг очилиш эни 3в даражали ёрилишга мустаҳкамлик талабига биноан лойиҳаланадиган элементлар учун қабул қилинадиган ўлчамлардан ошмаслиги керак.

145. Ҳар хил таркиблардан бириктириладиган (узунасига ва баландлигига) конструкцияларда мустаҳкамликка ва ёрилишга текширишларни, бириктириладиган жойларга тўғри келадиган ёки бириктириладиган жойлар зонасини кесиб ўтадиган кесимларда ўтказмоқ керак. Бириктирилган (бирлаштирилган) жойлар, қуйилган бетонда ва уланадиган элементлар (блоклар) учларида шикастланишлар бўлмайдиган даражада қилиб, ҳисобий зўриқишлар берилишини таъминлаши зарур. Уланган жойдаги елимлар, уларнинг тўла беркитилишига ва сиқувчи кучларнинг бир хил миқдорда тарқатилиб берилишига мўлжалланган бўлади.

146. Темир йўл кўприклари оралиқ қурилмаларининг кўндаланг кесими тавр шаклидаги тўсинларининг деворчаларини, кўприкда йўлнинг кўндаланг йўналишида мумкин бўладиган, камида 10 cm гача бўладиган силжишини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Кўприклар оралиқ қурилмалари тўсинларининг деворчаларини ёриқ ҳосил бўлишига ҳисоблашни, уларнинг эгилиши (ўз текислигидан) ва буралишини ҳисобга олиб бажариш тавсия этилади.

147. Арматурани олдиндан зўриқтириш, тортиш ускуналари орқали тортиладиган арматура учига бериладиган бошланғич (назоратланадиган) зўриқиш мазкур ШНҚнинг 221-бандини ҳисобга олиб назоратланувчи зўриқишдан, кўрилаётган вақтгача юз берган барча кучланишларни чиқазиб ташлагандаги нормал ҳолатига тушган зўриқишлар қийматларини тавсифлайди. Бу ҳолда, назоратланувчи зўриқишга муносиб келадиган арматурадаги зўриқиш, мазкур ШНҚнинг 34-жадвалида ва 216-бандида кўрсатилган кўрсаткичларга мувофиқ бўладиган ишлаш шароити коэффициентини инобатга олган бўлиши ва ҳисобий қаршиликлардан ошмаслиги крак. Лойиҳа ҳужжатларида зўриқтириладиган арматура элементлари учун назоратланувчи зўриқишлар ва уларга муносиб мазкур ШНҚнинг 12-илованинг 1-жадвалидаги 4 ҳолатни инобатга олгандаги арматуранинг узайиш (чўзилиш) қийматлари кўрсатилган бўлиши зарур. Умумий ҳолда арматуранинг узайиш қиймати , $\Delta_\rho$ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta_\rho = \frac{\sigma_\rho}{E_\rho} \int_0^l \frac{dx}{wx + \delta\theta}, \quad (42)$$

бу ерда, $\sigma_\rho$ – назоратланувчи зўриқишга жавоб берадиган ва мазкур ШНҚнинг 151-банди талабига мувофиқ белгиланадиган кучланишлар;

$E_\rho$ – таранглаштириладиган (зўриқтирилган) арматуранинг эластиклик модули;

l – арматура элементининг ҳисобий узунлиги (тортиш анкеридан арматура элементининг узунаси бўйлаб кўчиши нолга тенг нуқтасигача бўлган масофа).

Қолган белгилашлар мазкур ШНҚнинг 12-иловасининг 1 ва 2-жадвалларида келтирилган.

Ҳисобланган чўзилишнинг қийматини таранглаштирилган арматура тортилишининг унинг эластиклик модулини ҳақиқий қийматини ҳисобга олгандаги ишлашини назорат қилиш орқали ва ўлчанган ишқаланиш коэффициенти ҳамда тортувчи ускунанинг конструктив хусусиятини инобатга олиб аниқлаштириш мумкин бўлади. Таранглаштирувчи ускуна кучи билан юз берадиган ҳисобий таъсирни аниқлашда юкламага кўра ишончлилик коэффициентини $\gamma f$ қуйидагига тенг деб қабул қилиш лозим:

а) арматура билан бетон ишқаланганда:

узунасига бутун элементлар учун – 1,0;

узунасига бўлаклардан таркиб топган элементлар учун – мазкур ШНҚнинг 221-бандига кўра;

б) арматура билан бетон жипслашмаган ҳолда – 1±0,1

148. Олдидан таранглаштирилган элементларни ҳисоблашда таранглашадиган арматурадан жамланган кучларнинг бетонга бериладиган жойини қуйидагича қабул этиш керак:

ташқи (четкасида жойлашадиган) ва ичкаридаги (стерженли-каркасли) анкерли конструкцияларда анкер тираладиган ёки маҳкамланадиган жойга;

анкерлари бўлмайдиган арматурали конструкцияларда (арматура билан бетон бевосита жипслашиши оқибатида анкерланадиган сиқувчи куч бериладиган) кучланиш бериладиган зона узунлигининг 2/3 қисмича масофада.

Таранглашадиган нотекис сиртли стерженли арматурадан бўладиган кучнинг бетонга берилиш зонасининг узунлигини қуйидагича қабул этиш керак:

куч силлиқ берилганида – 20 d (d - стержен диаметри);

стерженни кесиш оқибатида бирданига берилганида (стержен диаметри 18 mm дан катта бўлмаган ҳолда рухсат этилади) - 25d.

Ташқи ҳавонинг энг совуқ беш кунлигининг ўртача ҳарорати минус 400С совуқ бўлган ҳудудларда фойдаланишга мўлжалланган конструкция элементлари учун кучнинг бетонга берилиш зонаси узунлигини 5d га ошириш керак.

Кучнинг К-7 классдаги таранглаштириладиган арматура арқонларидан бетонга берилиш зонасининг узунлигини, анкерлар бўлмаган ҳолда, қуйидаги 20-жадвалда кўрсатилган ўлчамларда қабул этиш керак.

Ташқи ҳавонинг энг совуқ беш кунлигининг ўртача ҳарорати минус 400С совуқ бўлган ҳудудларда фойдаланиш учун мўлжалланган конструкция элементлари учун К-7 синфдаги арматура арқонлари (арқон шаклидаги арматуралар) бўлганида зона узунлигини қуйидаги 20-жадвалда кўрсатилган қийматлардан қуйидаги миқдорлардан катта қилиб қабул этиш керак:

арқон диаметри 9 mm бўлганида - 27 cm;

арқон диаметри 12 mm бўлганида - 30 cm;

арқон диаметри 15 mm бўлганида - 38 cm.

Кучнинг К-7 синфдаги таранглаштириладиган арматура арқонларидан бетонга берилиш зонасининг узунлигини 1,4 коэффициент билан олинади.

149. Бетонга жамланган кучларнинг узатиш зонасини, жумладан зўриқтириладиган арматура элементларидан ҳам арматуралаш, ушбу зонанинг кучланиш-деформацияланиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда эластиклик назарияси услуби ёки маҳаллий кучланишга ҳисоблашнинг бошқа асосланган услублари билан аниқлаб бажарилиши зарур.

**20-жадвал.**

| К-7 синфдаги арқон арматуранинг диаметри, mm | Сиқилишдаги мустаҳкамлик синфига жавоб берадиган бетоннинг берилиш мустаҳкамликлари қуйидагича бўлганидаги кучнинг бетонга берлиш зонасининг узунлиги lrp, cm да | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | B22,5 | B25 | B27,5 | B30 | B35 | B40 | B45 | B50 ва ундан катта |
| 9<br>12<br>15 | 88<br>98<br>125 | 85<br>95<br>110 | 83<br>93<br>105 | 80 90<br>100 | 75<br>87<br>95 | 70<br>85<br>90 | 65<br>75<br>85 | 60<br>70<br>80 |

Изоҳ. Сиқиш кучи бетонга бирданига берилганида (арқонларни кесиш орқали), кучнинг берилиш зонасининг бошланишини элемент учидан 0,25 lrp га тенг бўлган масофада деб қабул этиш керак.

150. Бетоннинг ўтириши ва оқиши таъсирини қуйидагиларни аниқлашда инобатга олиш керак:

олдиндан зўриқтиришда арматурадаги кучланишлар йўқолишини;

олдиндан зўриқтирилган конструкцияларда бетон қисилишининг камайишини;

сунъий равишда тартиблаштириладиган конструкцияларда зўриқишнинг ўзгаришини;

доимий юкламалар ва таъсирлардан конструкциянинг кўчишларини (деформацияларини);

статик ноаниқ конструкциялардаги кучларни;

йиғма-қуйма конструкциялардаги кучларни.

Вақтинчалик юклардан бўладиган конструкциянинг деформациясини бетоннинг чўкиши ва оқишини инобатга олмасдан аниқлаш мумкин.

Иккита ўқли ва учта ўқли - сиқилувчан элементларни ҳисоблашда бетоннинг ўтириши, оқиши оқибатида зўриқтириладиган арматурада бўладиган кучланиш йўқолишини ва бетон қисилишининг камайишини, куч таъсирининг ҳар бир йўналишида алоҳида аниқлаш рухсат этилади;

151. Олдиндан зўриқтириладиган конструкция элементларидаги кучланишларни, қуйидагиларни чиқариб ташлагандан кейинги назоратланувчи зўриқиш бўйича аниқлаш керак:

бетонни сиқиш босқичида – биринчи йўқолишларни;

фойдаланиш босқичида – биринчи ва иккинчи йўқолишларни.

Биринчи йўқолишларга қуйидагиларни киритиш керак:

арматураларини тиргакка тираб тортадиган конструкцияларда - анкерларнинг деформацияланиши оқибатидаги, эгувчи мосламаларга арматуранинг ишқаланиши оқибатидаги, арматурадаги кучланиши релаксациясидан (тўла қийматининг 50 фоиз миқдорида), ҳароратлар фарқидан, тез юз берадиган бетон оқишидан ҳамда шакл деформациясидан (арматурани қолипда тортганда) бўладиган йўқолишлар;

арматурани бетонга тираб тортадиган конструкцияларда – анкерлар деформацияси оқибатида, арматурани ёпиқ ва очиқ каналлар деворларига ишқаланишидан ва арматурадаги кучланиш релаксациясидан (тўла қийматининг 50 фоиз миқдорида) йўқолишлар.

Иккинчи йўқолишларга қуйидагиларни киритиш керак:

арматураларини тиргакка тираб тортадиган конструкцияларда–бетоннинг ўтириши ва оқишидан, арматурадаги кучланиши релаксациясидан (тўла қийматининг 50 фоиз миқдорида) йўқолишлар;

арматурани бетонга тираб тортадиган конструкцияларда бетоннинг ўтириши ва оқиши оқибатида, арматурадаги кучланиш релаксациясидан (тўла қийматининг 50 фоиз миқдорида), спирал ёки ҳалқасимон арматуранинг бетонга ўраладиган бурамлари тагидаги эзилишдан ва узунасига бўлаклардан иборат конструкцияларда блоклар орасидаги уловчи чокларнинг деформациясидан тушадиган йўқолишлар.

Санаб ўтилган йўқолишларнинг айримларини қийматларини мазкур ШНҚнинг 152-бандини инобатга олиб мазкур ШНҚнинг 12-иловасига биноан аниқлаш керак. Арматурадаги кучланиш релаксациясидан (тўла қийматининг 50 фоиз миқдорида) бўладиган иккинчи йўқолишларни бир хил миқдорда юз беради ва бетоннинг сиқилишидан кейинги бир ой мобайнида тўла тугалланади деб қабул этиш мумкин.

Биринчи ва иккинчи йўқолишлар қийматининг йиғиндиси 98 MPa (1000 kgk /cm2) дан кам бўлмаган деб қабул қилиниши керак.

152. Бетоннинг ўтириши ва оқишидан ҳамда зўриқтирилган арматурадаги кучланишнинг йўқолишини аниқлашда қуйидаги кўрсатмаларга риоя қилиш зарур:

бетоннинг ўтириши ва оқишидан йўқолишининг вақт давомида ўзгариши $\Delta\sigma_\rho(t)$ ни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\Delta\sigma_\rho(t) = (1 - e^{-0{,}1\sqrt{t}})\, \Delta\sigma_\rho(t \to \infty), \quad (43)$$

бу ерда,  – мазкур ШНҚнинг 13 ёки 15-иловаларига биноан аниқланадиган бетоннинг ўтириши ва оқишидан ҳосил бўладиган арматурадаги йўқолишларнинг охирги (чегаравий) қийматлари;

t – оқишдан бўладиган йўқолишни аниқлашда бетоннинг сиқиладиган кунидан ва ўтиришидан бўладиган йўқолишни аниқлашда бетонлаш тугаган кунидан ҳисобланадиган вақт, суткада;

e= 2,718 – натурал логарифм асоси;

атроф муҳит ҳавосининг намлиги 40 фоиздан паст бўладиган шароитларда фойдаланишга мўлжалланган конструкциялар учун бетоннинг ўтириши ва оқишидан юз берадиган йўқолишларни 25 фоизга кўпайтириш керак (ДҚН 2.04-01-98 (СНиП 23-01-99*) га биноан, IVA иқлим минтақасида фойдаланишга мўлжалланган ва қуёш радиациясидан ҳимояланмаган конструкциялар бундан мустасно, улар учун кўрсатилган йўқолишлар 50 фоиз га кўпайтирилади);

бетоннинг ўтириши ва оқишидан бўладиган зўриқишнинг катта тақсимланиши ва йўқолишларни аниқлаш учун, бетоннинг ўтириш ва оқиш деформацияларининг чегаравий нисбий қийматларини, арматура таъсирини, бетоннинг узатиш мустаҳкамлиги ва ёшини, юкламанинг босқичма-босқич қўйилиши ва унинг ҳар битта босқичда таъсир этиш муддатини, деформациянинг вақт мобайнида ривожланиш тезлигини, кўндаланг кесимларнинг келтирилган ўлчамларини, муҳитнинг нисбий намлиги ва бошқа омилларни инобатга олувчи аниқ услублардан фойдаланишга рухсат этилади. Бу услублар ўрнатилган тартибда (технологик регламентларда) асосланган бўлиши зарур (бу ерда бетоннинг ўтиришдаги норматив εп ва оқишдаги норматив сп деформацияларини мазкур ШНҚнинг 163-банди бўйича олиш керак).

ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

**ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ**

# ЎЗИМИЗНИНГ РУСТАМ АКА

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўз касбини ардоқлаб, ундан эъзоз топаётган ва эътирофга сазовор бўлаётганлар бисёр. Бугун сўз юритмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ҳам кўпчиликка намуна бўлган инсонлардан.**



Қизилтепада йўл қурувчи Рустам Хошимовни билмайдиган одам жуда кам. Камтар, меҳнаткаш, оддий ва самимий инсон Рустам ака билан учрашсангиз, йўл қурилиши корхонасидаги энг оддий ишчи шу киши бўлса керак, деган хулосага келишингиз аниқ. Ваҳоланки, бу инсон олий маълумотли, Тошкент автомобиль йўллари институтини тугатган, тажрибали муҳандис-механик. Вилоят миқёсидаги катта йўл қурилиши корхонасида бошлиқ ўринбосари. Аммо камтар бу инсонга қачон кўзингиз тушса, одми ишчи кийимида, йўл бўйларида куюнчаклик билан ўз вазифасини бажараётган, ишчилар билан бир қаторда меҳнат қилаётган бўлади.

Хизмат тақозоси билан бир неча йил аввал илк бора Рустам ака билан юзлашганимизда, шеригим, акани корхонанинг оддий ишчиси санаб, "Раҳбарлардан ким бор?" дея саволга тутган эди. "Сизларни кутиб олиш менга тайинланган эди" деган жавобига ҳамкасбим Рустам акани камтар ишчи либосига бошдан оёқ тикилиб, "Сиз нима иш қиласиз?" деганди ва унинг "Мен раҳбар ўринбосариман" деганига, дарров ишонқирамаган эди.

Аммо ўша куни йўл соҳаси билимдони ва табиатан одамохун, самимий бу инсон билан ўзи каби оддий Тико машинасида ҳамроҳ бўлиб, қишлоқларнинг ички йўлларию, кўприкларини кўздан кечиришимиз билан илк таассурот бошқа тарафга ўзгарди. Йўл қурилишидаги тажрибалари, асфальт ётқизиш нормалари, битум тансиқлигию, бетон қопламали йўллар бўйича чуқур мулоҳазалари, уларнинг афзаллигию камчилиги тўғрисидаги асосли фикрлари билан бизда ўзгача таассурот қолдирган эди. Ўша илк учрашувдаёқ бу инсонни негадир японларга ўхшатган эдим. Рустам ака биздаги одатий, раҳбарларнинг ғўддайган, пўрим ва жиддий қиёфасига мос келмасди. У бундан кўра кўпроқ, оддий камтарлиги билан кинолардаги ҳокисор япон ҳамкасбларига ўхшаб кетарди.

Рустам ака билан кейинги сафар учрашганимизда ҳам ўша таассуротлар янада тасдиғини топган эди. Обод бўлаётган қишлоқларнинг бирига туман ҳокими ҳамроҳлигида кўрсатув тайёрлаш мақсадида бордик. Тасвирга олиш ишларини якунлаб, "катта"нинг машинасида тушликка кетаётиб, йўл-йўлакай таниш кўк Тикога кўзим тушдию, тўхташларини сўрадим. Машинага яқинлашар эканман, Рустам акани яримта нон билан ўзи соясида ўтирган ўрик меваларини териб камтарона тушлик қилиб ўтирганига кўзим тушди. Ўшанда катталар билан бўладиган ҳашаматли тушликдан кўра, файзли кўк Тикода, ака билан ҳамроҳ бўлишни, унинг суҳбатини олишни жудаям истадим.

Рустам акани кейинги сафар кўрганимда ҳам, ўша оддий ишчи қиёфасида эди. Ёзнинг иссиқ кунларида Бухоро шаҳридан саёҳатдан қайтаётиб, Навоий шаҳрида йўл қурилиши устидан чиқдик. Айни кун қиздирган пайти. Кондиционер совутиб кетаётган машина ойнасидан тангадек қуёш нури тушганига норози бўлиб кетаётиб, шу иссиқда асфальт ётқизаётган йўлчиларга дуч келдик. Ишчилар орасида Рустам акани кўрдиму машинани бирров тўхтатишини сўрадим. Ака билан ҳол-аҳвол сўрашиб, йўлда давом эттик. Дўстларим "Ким у?" деб суриштирди. Фалон йўл қурилиши корхонасида "зам" дедим. Улар ажабланиб, Рустам акани қайта кўздан кечира бошлашди. Улар ўшанда оддий, кепка кийвоган, ишчилар билан аралашиб, терлаб меҳнат қилаётган ҳокисоргина одамни йўл қурилиши ташкилоти амалдори бўлиши мумкинлигини ҳазм қилолмаган эди. Ҳамма қурувчилар ҳам "Танка" киносидагидек тўйига Раж Капурни чақирадиганлардан эмас. Шунақа оддийлари ҳам бор, деб, камига акани Тикосини кўрсатдим. Лекин улар ўзлари хизмат қиладиган жойлардаги ўша лавозим эгаларини кўз олдига келтириб, ажабланиб қўйишди холос.

Ўша-ўша нотекис йўлларда йўл қурувчиларни ноҳалолликда айблайдиганларга ва йўлларга хизмат кўрсатувчи йўлчиларга Рустам акани, у қарайдиган М-37 йўлининг маълум қисмини кўрсатгим келади.

– Рустам ака бирор мукофот олганми, – сўрайман бир сафар туман ҳокимлиги вакилидан.

– Бирон бир мукофот олганликларини билмадиму, лекин ака 2010 йилдан буён Қизилтепа тумани Кенгаши депутати. Биласизку, у жуда камтарин, номзодини ҳам аҳоли вакиллари қистови билан қўйган, – деди.

Ҳа, шундай инсонлар борки, уларнинг меҳнатини энг аввало, халқ қадрлайди, оддий инсонлар улуғлайди. Оддийлик ва камтарликда, жонкуярлик билан меҳнат қилишда барчамизга ўрнак Рустам ака ана шундай халқ ардоғидаги инсон. Бутун қизилтепалик каттаю кичик борки, унга "Ўзимизнинг Рустам ака" деб, таъриф берадилар.

Албатта, биз қаҳрамонларни доим олислардан, оламшумул воқеликлар ортидан излашга ўрганиб қолганмиз. Аммо орамизда ҳалол меҳнати билан юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ўзимизнинг Рустам ака каби оддий одамлар ҳам борки, уларнинг камтарона ҳаёти барчамизга ибратдир.

# Qurilishda yog'ochning ahamiyati



**Azizbek YO'LDOSHALIYEV,** Farg'ona politexnika instituti talabasi.

**Yog'och nafaqat qurilish-bunyodkorlik, balki insoniyat sivilizatsiyasining rivojlanishida ham katta ahamiyatga egaligini yaxshi bilamiz. Yog'ochning asosiy manbai o'rmonlar hisoblanadi. U xomashyo bo'lish bilan bir qatorda, tabiat uchun sanitarlik vazifasini bajaradi. Ushbu mahsulot kundalik hayotimizda, shuningdek, dunyo iqtisodiyotida qayta tiklanuvchi energiya manbalari sirasiga kiradi.**

Svilizatsion taraqqiyot bosqichida undan turli maqsadlarda foydalanilgan. Masalan, yer haydash uchun omochlar, kundalik xo'jalik anjomlari, qurol-yarog'lar, boshpana vazifasini bajaruvchi material sifatida foydalanilgan. Bugungi kunga kelib yog'ochga talabning yuqori ekanligi uning qurilish bozorida xaridorgir mahsulotga aylanishiga sabab bo'lmoqda. U uzoq xizmat qiladigan ishonchli qurilish materiali ham hisoblanadi. Har bir turdagi yog'och o'zining hidi va rangiga ega bo'lib, ular kerakli dizaynga muvofiq shakllantiriladi. Qolaversa, u tabiiy izolyator bo'lib, devordan 15, alyuminiydan 1770 va po'latdan 400 baravar yaxshiroq. Chunki uning yuqori zichligi izolyatsiya vazifasini bajaradi.

Bozorda yog'ochning bir nechta turi bo'lib, har birining alohida xususiyati mavjud. Qattiq yog'och ham, yumshog'i ham qurilish jarayonida o'z pozitsiyasiga ega. Quyida ulardan ba'zilariga to'xtalamiz.

Akasa – to'g'ri donali, kulrang-jigarrang tusdagi qattiq yog'och turidir. Undan asosan ichki duradgorlik, yengil konstruktiv ishlar, taxta, maishiy mebel, kontrplak uchun shpon hamda tokarlikda foydalaniladi. Akasa an'anaviy Janubiy Osiyo me'morchiligi va mebel dizaynida keng qo'llaniladi. U o'zining jozibali rangi, chidamliligi bilan mashhur bo'lib, Hindiston va qo'shni mamlakatlarda uylar, ibodatxonalar va boshqa inshootlar qurilishida ishlatiladi.

Balsa – eng yumshoq va yengil vaznli yog'ochlardan biri hisoblanadi. U asosan issiqlik, tovush va tebranish izolatsiyasi uchun ishlatiladi. Qolaversa, balsa past zichligi va ajoyib suzuvchanligi bilan ham mashhur.

Bambuk – odatda tovlanuvchi tilla rangli ko'rinishga ega yog'och turi bo'lib, namlikni o'tkazmaslik xususiyatiga ega. Shu bois, suv inshootlarining bezak qismi bilan birgalikda hammom, qishki bog'lar va boshqa namlik yuqori joylarda keng qo'llaniladi. Bambuk an'anaviy qattiq daraxtlarga qaraganda ancha tez o'sadi va 3-5 yilda sifatli xomashyoga aylanadi. O'zining mustahkamligi va chidamliligi tufayli taxta, mebel hamda konstruktiv vositalar uchun ishlatiladi.

Sidr – yengil va yumshoq yog'och bo'lib, qurilish ishlarida faol ishlatiladi. Sidr daraxtini bozorgir yog'och, deyish mumkin. U o'ziga xos qizg'ish-jigarrang rangi va xushbo'y hidli bo'lib, chirish, hasharotlar shikastlashiga tabiiy qarshilik ko'rsatishi bilan qimmatlidir.

Demak, yog'och mustahkam uylar va infratuzilmadan tortib, go'zal san'at asarlari va murakkab dizaynga qadar insonning turli ehtiyojlarini qondirib kelmoqda. Uni yetishtirish iqtisodiyotda katta ahamiyatga ega. Yog'ochning qimmatliligi o'rmonlarni asrash, yangi daraxtlar bilan boyitishga sabab bo'ladi. Bu esa ekologik barqarorlikni ta'minlaydi. Yog'och iqtisodiy va amaliy ahamiyatidan tashqari, bir qator ekologik afzalliklarga ham ega. Qayta tiklanadigan manba sifatida karbonat angidridni singdirish va saqlash orqali iqlim o'zgarishini yumshatishga yordam beradi. Barqaror boshqariladigan ormonlar uglerod yutuvchi vazifasini bajaradi, issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytiradi va global isishga qarshi kurashda yordam beradi. Yog'och sement va po'lat kabi boshqa qurilish materiallariga nisbatan bir nechta afzalliklarga ega hamda temir yoki beton kabi boshqa konstruktiv materiallarga qaraganda qimmatroqdir.

Xulosa qilib aytganda, sifatli yog'och sanoatini tashkil qilish, o'rmonlar sonini oshirish ekologik jihatdan ham juda foydali bo'ladi. Yurtimizda ham bugungi kunda yog'och xomashyosi qurilish sohasida keng qo'llanmoqda. Endilikdagi vazifalardan biri esa ichki bozorlar uchun ushbu xomashyoni o'zimizda yetishtirish masalasini asosiy kun tartibiga qo'yishdir. Shu yo'l bilan import hajmini kamaytirib, eksport hajmini oshirish mumkin. O'ylaymizki, yaqin yillarda "Yashil makon" kabi loyiha va dasturlar soni oshib, yashil hududlar salmog'i kengayadi. Bu esa sanoatda yog'ochning ahamiyatini yanada oshiradi.

# "Тошшаҳартрансхизмат" АЖда байрам тадбири

**"Тошшаҳартрансхизмат" АЖ тизимида меҳнат қилиб келаётган ва ўз вақтида интернационал бурчини бажарган ходимлар учун Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир ташкил этилди.**



Байрам тадбирини "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ бошқаруви раиси Анвар Жўраев очиб берди. Шунингдек, жамият Касаба уюшмаси раиси Абдураҳмон Файзуллаев, Ўзбекистон Республикаси собиқ Мудофаа вазири, Қўшма интернационал миллатлар Ассоциасияси Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Қуролли кучларининг биринчи десант қўшинлари яратилишида фаол иштирок этган нафақадаги собиқ генерал-лейтенант Юрий Агзамов, Ўзбекистон Ветеран жангчи фахрийлар бирлашмаси раиси ўринбосари, бирлашманинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, полковник Рустам Султонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шоир, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, подполковник Абдураззоқ Абруев сўзга чиқиб, барчани байрам билан табриклади.

Шундан сўнг, фахрийларга эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда янграган куй-қўшиқ ва Ғалаба боғига уюштирилган саёҳат барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил январь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Хўжалик ишлари бўлими раҳбар котибаси **Эльвира Денушова,** Қурилиш соҳасида тендер, рейтинг ва буюртмачи хизматини методологик таъминлаш бўлими бош мутахассиси **Рустам Курганбаев,**

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ Бош режаларни ишлаб чиқиш ва ҳудудларнинг меъморий-режавий ташкиллаштириш бўлим бошлиғи **Ҳаёт Мирзоев,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Яҳё Тошпўлатов,**

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ етакчи муҳандиси **Яков Удодовский,**

"Ташгипрогор" АЖ сектор раҳбари (ГАП) **Маргарита Туниева,** муҳандислик гуруҳи раҳбари **Арина Ким,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектори **Шерзод Джумабаев,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" DM Қорақалпоғистон Республикаси филиали кадрлар бўйича менежер **Сарбиназ Суюнова,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Азиз Файзиев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Алишер Сафаров,** Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази етакчи мутахассиси **Меҳриддин Бозоров,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" DM Самарқанд вилояти филиали ҳисобчиси **Назира Нарзиева,** бош мутахассис **Мирзабек Абдиев,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси ҳисобчиси **Нигора Мажитова,**

Тошкент вилояти, Бўка тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Ҳусниддин Шахобиддинов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси махсус ва архив ишлари бўйича бош мутахассиси **Исмоил Кучкаров,**

Хоразм вилояти, Боғот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Руслан Жуманиязов,** қоровул **Ойбек Шарипов,**

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги "Қарши кунчиқар" МЧЖ бош директори **Светлана Нурбабаева,** "Жовлон-Зуфар бошқарув компанияси" МЧЖ бош директори **Фарҳод Убайдуллаев,** "Шўртангаз бошқарув сервис компанияси" МЧЖ бош директори **Хайитмурод Чориев,**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги "Amir lashkarbegi" МЧЖ бош директори **Амир Жаббаров,** Яшнобод туманидаги "Izlanish Servis" БСК МЧЖ бош директори **Азим Эргашев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-141.
1761 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 21.30.
Топширилди – 21.50.

1 2 3 4 5 6